

“Ўзбектелеком” АК
Акциядорларининг навбатдан
ташқари умумий йиғилишининг
2021 йил 26 мартдаги
52 - сон баёнига
4.1-сон илова

**“Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг
тафтиш комиссияси ҳақида
НИЗОМ
(янги тахрирда)**

Мундарижа

1. Умумий қоидалар.
2. Тафтиш комиссиясининг асосий вазифалари ва мажбуриятлари.
3. Тафтиш комиссиясининг ҳуқуқ ва ваколатлари.
4. Тафтиш (текшириш)ларни ўтказиш тартиби.
5. Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш ва ваколатларини муддатидан илгари тугатиш.
6. Тафтиш комиссиясининг йиғилишлари.
7. Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган мукофот ҳажмини белгилаш.
8. Яқуний қоидалар.

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1 “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг тафтиш комиссияси ҳақидаги низом (кейинги ўринларда – Низом деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 26 апрелдаги “Давлат активларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 356-сон қарори, “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда - Компания)нинг Устави, Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича комиссияси томонидан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси (31.12.2015 й., 9-сон баёни) ҳамда давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув қоидалари (11.02.2016 й., 02-02/1-187-сон ва 27.04.2018 й., 24/1-989-сон баённомалари) талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган. талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2 Мазкур Низом тафтиш комиссиясининг фаолият тартибини, ваколатини, унинг аъзоларини сайлаш, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек қарорлар қабул қилиш тартиб-таомилини белгилайди.

1.3 Тафтиш комиссияси Компаниянинг, уни бошқарув органларининг фаолиятини ички молиявий-хўжалик ва ҳуқуқий назорат қилиш вазифасини амалга оширувчи назорат органи ҳисобланади.

1.4 Компания тафтиш комиссия акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир муддатга сайланади. Тафтиш комиссияси акциядорларнинг умумий йиғилишига ҳисобдор бўлади.

1.5 Тафтиш комиссияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, давлат бошқаруви органларининг қонуности ҳужжатлари, Компания Устави, мазкур Низом ва Компаниянинг ички меъёрий ҳужжатларига амал қилади.

1.6 Компания кузатув кенгаши ва ижроия органи тафтиш комиссиясининг фаолиятига аралashiш ҳуқуқига эга эмас.

2. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНING АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1 Компания тафтиш комиссияси ўз фаолияти давомида қуйидаги асосий вазифаларни амалга оширади:

- Компаниянинг молиявий ҳужжатлари, мулкни инвентаризация қилиш бўйича комиссияси хулосасини, кўрсатилган ҳужжатларнинг дастлабки бухгалтерия ҳисоби билан таққослаб ўрганиш;

- Компания номидан тузилган шартномалар (битимларни), ўзаро шартнома тузган томонлардан ҳар бири билан ҳисоб-китоблар қонунийлигини ўрганиш;

- олиб борилган бухгалтерия ва статистика ҳисоботларининг қонун ҳужжатларга мослигини таҳлил қилиш;

- Компаниянинг молиявий ҳолатини, унинг тўлов қобилияти, активларнинг қадрилигини таҳлил қилиш, ўз маблағлари ва қарз воситалари нисбати, иқтисодий ҳолатини яхшилаш учун захираларни аниқлаш ва Компания бошқарув органлари учун уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятлари масалаларига оид тавсиялар ишлаб чиқиш;

- маҳсулот ва хизматларни етказиб берувчилар томонидан тўловларни амалга ошириш, мажбурий тўловлар, шу жумладан, бюджетга тўловлар, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаш, бошқа мажбуриятларни узиш, ўз вақтида ва тўғри бажарилганлигини ўрганиш;

- Компания баланслари, йиллик ҳисоботлар, фойда ва зарарлар ҳисоблари, фойдани тақсимлаш ҳужжатлари, ҳамда солиқ, статистика ва бошқа ваколатли давлат органларига тақдим этиш учун тузилган ҳисобот ҳужжатлари тўғрилигини текшириш;

- Компания томонидан қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи қонунчилик ва бошқа норматив ҳужжатларнинг талабларига риоя қилиниши, жумладан, аффилиланган шахслар билан тузилган битимлар ва йирик битимларнинг мавжудлиги ҳамда ушбу битимларнинг қонунийлиги;

Тафтиш комиссияси мазкур Низом ва Компания акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан юклатилган бошқа вазифаларни амалга ошириши мумкин.

2.2 Компания тафтиш комиссияси ўз фаолияти давомида қуйидаги мажбуриятларга эга:

- акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши, ижро органи эътибори хулоса, ёзма ҳисобот, ёзма маъруза, бошқаруви органлари йиғилишларига берилган хабарлар шаклида амалга оширилган тафтишлар (текширишлар) натижаларини ўз вақтида етказиш;

- Компаниянинг йиллик ҳисоботи ва йиллик бухгалтерия ҳисоботида берилган маълумотларнинг ҳаққонийлигига баҳо бериш;

- хавф ёки Компаниянинг молиявий аҳволига таъсир эта оладиган бошқа хатарлар олдидаги заифлиги даражасига баҳо бериш;

- Компанияни молиявий-хўжалик фаолиятининг йил натижаларини, шунингдек қонунчилик, Компания Устави ва мазкур Низомга мос ҳолда исталган муддатда ваколатли шахсларнинг ташаббуси асосида тафтиш ўтказиш (текшириш);

- тижорат сирини сақлаш, махфий ҳисобланадиган, ўз функцияларини бажариш чоғида кузатув кенгаши аъзолари томонидан фойдаланадиган маълумотларни ошқор қилмаслик. Агар тафтиш комиссияси ишига унинг

аъзоси бўлмаган шахслар жалб этилса, улар тижорат сири ва бошқа махий маълумотларни сақлаш зарурлиги ҳақида ёзма равишда огоҳлантирилган бўлишлари шарт. Бунда ушбу шахсларнинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги учун жавобгарлик ушбу шахсларни тафтишга жалб этган тафтиш комиссияси аъзоларига юкланади;

- акциядорларнинг Компаниянинг бошқарув органлари аъзолари ёки мансабдор шахслари устидан келтирган шикоятларини ўз вақтида кўриб чиқиш ва улар бўйича тегишли қарорлар қабул қилиш;

- агар Компаниянинг ишлаб чиқариш – хўжалик, молиявий, ҳуқуқий фаолиятида қоидабузарликлар аниқланса ёки Компания манфаатларига жиддий хавф солиниб, шу жумладан, моддий зарар етказилиши хавфи бўлса ва ушбу ҳолатларни Компания бошқарув органлари томонидан ҳал этилиши талаб қилинса, кузатув кенгаши йиғилиши, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш.

2.3 Тафтиш ўтказиш давомида тафтиш комиссияси аъзолари тафтиш предметида оид барча ҳужжатлар ва материалларни диққат билан ўрганиб чиқишлари зарур. Нотўғри хулосалар учун тафтиш комиссияси аъзолари жавобгардирлар, йўл кўйилган хатоликлар учун кўриладиган чоралар Компания акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

2.4 Тафтиш комиссияси аъзолари Компания акциядорларининг умумий йиғилишида қатнашишлари ҳамда ўз ваколатлари доирасида йиғилиш қатнашчиларининг саволларига асослантирилган жавоб беришлари зарур.

3. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНING ҲУҚУҚ ВА ВАКОЛАТЛАРИ

3.1 Тафтиш комиссияси ўз вазифаларини талаб даражасида бажариш мақсадида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Компаниянинг тоифасидан қатъий назар барча турдаги молиявий ҳужжатларини, шу жумладан, Компанияда инвентарлаштириш бўйича комиссия ҳужжатларини текшириб, ушбу ҳужжатларни дастлабки бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари билан таққослаш;

- ўз фаолиятини амалга ошириш учун Компаниянинг ижроия органи, унинг бўлинмалари ва хизматлари, мансабдор шахсларидан ҳужжатларни талаб қилиш ва олиш. Кўрсатилган ҳужжат ва материаллар тафтиш комиссиясига унинг сўровидан сўнг икки кун давомида тақдим этилиши шарт;

- Компаниянинг ишлаб чиқариш – хўжалик, молиявий, ҳуқуқий фаолиятида бузилишлар ёки Компания манфаатларига бошқа хавф аниқланса, акциядорларнинг умумий йиғилиши (бир овоздан қарор қабул қилиш йўли орқали) чақирилишини талаб қилиш;

- Компания кузатув кенгаши йиғилиши чақирилишини талаб қилиш. Бунда кузатув кенгаши раиси тафтиш комиссиясининг кузатув кенгаши йиғилиши чақирилиши борасидаги талабини рад этишга ҳақли эмас;

- кузатув кенгашининг йиғилишларида унинг бирон бир аъзоси таклифи асосида қатнашиш;

- Компаниянинг ижроия органи, унинг бўлинмалари ва хизматлари томонидан қонун ҳужжатлари ва Компанияда қабул қилинган ички меъёрий ҳужжатлар талаблари бузилган ҳолатларда, бошқарув органлари олдида Компания ходимлари, жумладан мансабдор шахсларининг жавобгарлик (шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига қонуний чора кўриш юзасидан мурожаат қилиш) масаласини кўйиш;

- молиявий ҳисобот юритиш бўйича халқаро стандартларга мос ҳолда молиявий ҳисоботни нашр этишга ўтишни ташкиллаштириш бўйича Компаниянинг ишчи гуруҳлари ишларида қатнашиш;

- қонунчилик ва Компаниянинг ички меъёрий ҳужжатлари билан белгиланган тартибда тафтиш комиссиясида ишлагани учун мукофот ва (ёки) харажатлари учун бадаллар олиш;

- қонунчилик ва Компания Уставида кўзда тутилган бошқа ҳуқуқларни амалга ошириш.

3.2 Тафтиш комиссиясининг аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- аниқланган қонун бузилиш ҳолатлари бўйича тафтиш комиссиясининг зудлик билан қарор қабул қилиши керак бўлган ҳолатларида комиссиянинг шошилиш равишида мажлиси чақирилишини талаб қилиш;

- тафтиш комиссиясининг хулосаларига қўшилмаслигини ёзма равишда асослантириш ва буни акциядорларнинг умумий йиғилишига етказиш.

4. ТАФТИШ (ТЕКШИРИШ)ЛАРНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

4.1 Компания молиявий – хўжалик фаолиятининг тафтиши (текшириш) календарь йили давомидаги фаолият натижалари ёки тафтиш комиссияси, акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ташаббуси билан ёки биргаликда Компаниянинг овоз берувчи акцияларининг беш фоизидан кам бўлмаган акцияларига эга бўлган акциядор (акциядорлар) талабига биноан кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилган ҳолда бошқа давр учун ўтказилади.

4.2 Тафтиш комиссияси кузатув кенгашига Компания фаолиятининг календарь йил натижалари бўйича ўтказилган молиявий - хўжалик фаолияти тафтиши (текшириш) ҳақидаги ҳисоботи ва хулосаларини тақдим этади, унда йиллик бухгалтерия баланси ва Компаниянинг йиллик ҳисоботида берилган маълумотлар тасдиқланади ёки нотўғрилиги исботланади. Ушбу ҳужжатлар Компаниянинг йиллик ҳисоботини дастлабки тасдиқлаш

масаласи кўриладиган кузатув кенгаши йиғилиши ўтказилишидан камида уч кун олдин тақдим этилиши зарур.

4.3 Компаниянинг режадан ташқари молиявий - хўжалик фаолияти тафтиши (текшириш) қуйидагилар асосида ўтказилади:

- акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори асосида;
- кузатув кенгаши қарори асосида;
- биргаликда Компаниянинг овоз берувчи акцияларининг беш фоиздан кам бўлмаган акцияларига эга бўлган акциядор (акциядорлар) талабига асосан;
- тафтиш комиссияси ташаббуси (қарори) асосида.

4.4 Компаниянинг режадан ташқари молиявий - хўжалик фаолияти тафтиши ҳақидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилишида акциядорларнинг оддий кўпчилик овозлари билан – йиғилишда қатнашаётган Компаниянинг овоз берувчи акциялари эгаларининг кўпчилик овозлари билан қабул қилинади. Тафтиш комиссияси тафтишни акциядорлар умумий йиғилишининг белгиланган тартибга кўра расмийлаштирилган тегишли баённомасини олганидан сўнг бошлайди.

4.5 Компаниянинг режадан ташқари молиявий - хўжалик фаолияти тафтиши ҳақидаги қарори кузатув кенгаши томонидан унинг мажлисида қатнашаётган аъзоларининг кўпчилик овози билан, овоз бериш сиртдан бўлган ҳолатда (сўров йўли билан) бир овоздан қабул қилинади. Ушбу қарор тафтиш комиссияси раиси номига юборилади ва ушбу ҳужжат уни қабул қилинишида қатнашган кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан имзоланади.

4.6 Тафтиш комиссиясининг қарорини талаб этувчи қонунбузилиш аниқланган ҳолларда тафтиш комиссиясининг аъзоси тафтиш комиссияси раиси номига аниқланган қоидабузарликларни ёзма равишда асослантирилган ҳолда маълумот киритади. Бундай талабни олганидан сўнг уч иш куни давомида тафтиш комиссияси раиси тафтиш комиссияси йиғилишини чақириши зарур.

4.6.1 Тафтиш комиссияси томонидан текшириш (ревизия) ўтказиш борасида қарор қабул қилинган ҳолда тафтиш комиссиясининг раиси тафтишни ташкиллаштириши ва уни бошлаши зарур.

4.7 Компания акциядорлари томонидан режадан ташқари тафтиш ўтказиш борасида талаб қўйиши:

4.7.1 Режадан ташқари тафтиш ўтказишни талаб қилувчи акциядорлар – ташаббусчилар тафтиш комиссиясига ёзма талабнома жўнатадилар, унда қуйидагилар кўрсатилади:

- акциядорлар Ф.И.Ш. (номланиши);
- улар эгалик қилаётган акциялар ҳақида маълумотлар (сони, категорияси, тури);
- ушбу талабнинг асоси.

Талабнома акциядор ёки унинг ваколатли шахси томонидан имзоланади. Агар талабнома ваколатли шахс томонидан имзоланса, ишончномаси илова қилинади.

Агар ташаббус юридик шахс бўлган акциядорлар номидан чиқса, унинг низоми асосида ишончномасиз амал қилаётган юридик шахс вакилининг имзоси ушбу юридик шахснинг имзоси (мавжуд бўлса муҳр босилган ҳолда) билан тасдиқланади. Агар талабнома юридик шахснинг номидан ишончнома асосида амал қилувчи вакили томонидан имзоланган бўлса, талабномага ишончнома ҳам илова қилинади.

4.7.2 Тафтиш ўтказиш ташаббусчиларининг талабномалари Компаниянинг почта манзилига тафтиш комиссиясининг номига буюртма хат орқали шаклида жўнатилади ва бу борада топширилганлиги ҳақида хабар берилади ёки Компания девонхонасига топширилади. Талабнома электрон шаклда Компаниянинг расмий электрон почта манзилига юборилиши мумкин. Талабномани тақдим этиш санаси деб уни топширилганлиги ҳақидаги хабарнома санаси ёки девонхонага берилганлиги санаси ёхуд расмий электрон почта манзилига юборилганлигини тасдиқловчи санаси қабул қилинади.

4.7.3 Талабнома тақдим этилган санадан бошлаб ўн иш куни давомида тафтиш комиссияси Компаниянинг режадан ташқари молиявий - хўжалик фаолияти тафтишини ўтказиш ҳақида қарор қабул қилиши ёки асосланган тарзда тафтиш ўтказилишини рад этиши керак.

4.7.4 Тафтиш комиссияси томонидан тафтиш ўтказиш ҳақида рад жавоби қўйидаги ҳолларда берилиши мумкин:

- талаб қўйган акциядорлар талаб қўйиш санаси ҳолатига умумий йиғилишнинг барча масалалари бўйича ваколат берувчи овоз беришга етарли даражадаги акциялар сонига эга эмасликлари;

- талаб қўйиш ташаббусчилари акциядорлар рўйхатида қайд этилмаган ёки қонунчиликка мувофиқ акциядорлар ваколатларига эга эмас бўлсалар;

- талабномада тафтишни (ревизияни) ўтказиш учун асос кўрсатилмаган;

- тафтишни ўтказиш учун асос бўлган ҳолатлар бўйича тафтиш ўтказилган ва тафтиш комиссияси томонидан хулоса тасдиқланган бўлса;

- талабномада маълумотлар тўлиқ берилмаган бўлса;

- талабнома қонунчиликка ёки Компания Уставига зид равишда берилган бўлса.

4.8 Тафтиш (текшириш) ўтказиш давомида тафтиш комиссияси аъзолари тафтиш предметига оид бўлган барча мавжуд ва қабул қилинган ҳужжатлар ва материалларни ўрганишга мажбурдирлар.

4.9 Компаниянинг режадан ташқари молиявий - хўжалик фаолияти тафтиши натижалари бўйича Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига

мувофиқ тафтиш комиссияси ўз хулосасини чиқаради, унда қуйидагилар кўрсатилиши зарур:

- Компаниянинг ҳисобот ва бошқа молиявий ҳужжатларида келтирилган маълумотларнинг ҳақиқийлигини баҳолаш натижалари;

- молиявий-ҳўжалик фаолият юритишда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботлар тақдим этиш тартиби, ҳамда қонунчилик талабларини бузиш ҳолатлари ҳақидаги маълумотлар.

Ушбу хулоса Компания акциядорларининг йиллик умумий йиғилишида эшитилади.

4.9.1 Компаниянинг режадан ташқари молиявий - хўжалик фаолияти тафтиши ташаббусчилари тафтиш комиссияси томонидан тафтиш ўтказиш борасида қарор қабул қилгунича ўз талабларини қайтариб олишлари мумкин, бунда тафтиш комиссиясини ёзма тарзда хабардор қилиш керак.

4.10 Тафтиш комиссияси ҳар чоракда Компания кузатув кенгашининг йиғилишига аффилиланган шахслар тузилган битим ёки Компанияда тузилган йирик битимлар ҳамда ушбу битимларни тузиш нисбатан қўйилган қонунчилик талаблари ва Компаниянинг ички меъёрий ҳужжатларига риоя этилганлиги ҳақида хулосасини тақдим этади.

5. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ ВА ВАКОЛАТЛАРИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ТУГАТИШ

5.1 Компания тафтишчиси ёки тафтиш комиссиясининг аъзолари Компания акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга, уч нафар таркибида, йиғилишда қатнашаётган акциядорлар Компаниянинг овоз берувчи акциялар эгаларининг кўпчилиги (оддий кўпчилиги) билан сайланади.

5.2 Тафтиш комиссияси таркибига молия, иқтисодиёт ва юриспруденция соҳасида профессионал иш тажрибасига эга бўлган шахслар сайланиши мумкин.

5.2.1 Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан Компания тафтишчисига ёки тафтиш комиссияси аъзоларига доир қўшимча малака талаблари белгиланиши мумкин.

5.2.2 Айни бир шахс Компания тафтиш комиссияси таркибига (тафтишчиликка) кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

5.3 Компания тафтишчиси ёки тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Компания кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек Компанияда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

5.4 Компаниянинг тафтиш комиссиясига номзодлар кўрсатиш ва кузатув кенгаши томонидан ушбу таклифларни кўриб чиқиш, қарор қабул қилиш Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Қонунининг 63, 65-моддаларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.4.1 Тафтиш комиссияси таркибига қонун ҳужжатлари ва Компания Уставига асосан Компания кузатув ва ижроия органларига номзод кўрсатишга ҳақли акциядорлар номзодлар борасида таклиф киритиши мумкин.

5.5 Тафтиш комиссияси раис ва котибни ўз таркибидан сайлайди. Тафтиш комиссиясининг раиси ва котиби тафтиш комиссиясининг мажлисида комиссияни сайланган аъзоларининг кўпчилик овозлари билан сайланадилар.

5.5.1 Тафтиш комиссияси исталган вақтда ўзининг раиси ва котибини комиссияни сайланган аъзоларининг кўпчилик овозлари билан қайта сайлашга ҳақли, комиссиядан чиқиб кетган тафтиш комиссияси аъзоларининг овозлари бундан мустасно.

5.5.2 Тафтиш комиссияси аъзоси ўз ташаббусига асосан унинг таркибидан исталган вақтда чиқиши мумкин, у бу ҳақда тафтиш комиссияси ва кузатув кенгашини ўзининг фаолиятини тафтиш комиссияси таркибида тўхтатишдан бир ой олдин хабардор қилади. Бунда Компания акциядорларнинг умумий йиғилиши ўзининг навбатдаги мажлисида тафтиш комиссияси аъзосини сайлайди (алмаштиради).

5.5.3 Тафтиш комиссияси раиси:

- тафтиш комиссияси ишини ташкил этади;
- тафтиш комиссияси мажлисига чақиради ва уни ўтказди;
- тафтиш комиссияси баённомаларни, ҳисоботларни, Компаниянинг молиявий-хўжалик фаолияти тафтиш (текшириш) натижалари бўйича хулосаларни имзолайди;э
- аффилиланган шахслар билан тузиладиган ва йирик битимларга ҳамда бошқа ҳужжатларни келишиб бериш мақсадида имзо қўяди;
- Компания кузатув кенгаши мажлисларида ва акциядорларнинг умумий йиғилишида тафтиш комиссияси номидан иштирок этади;
- Компания Устави, мазкур Низом ва Компаниянинг ички меъёрий ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа вазифаларни амалга оширади.

5.6 Тафтиш комиссиясининг алоҳида аъзолари ёки бутун таркибининг ваколатлари йиғилишда қатнашаётган акциядорлар Компаниянинг овоз берувчи акциялар эгаларининг кўпчилиги (оддий кўпчилиги) билан акциядорлар умумий йиғилишининг қарори асосида қуйидаги сабабларга асосан тугатилади:

- тафтиш комиссиясининг ишида узрли сабабларсиз уч мартадан ортиқ қатнашмаслик;
- тафтиш ўтказиш давомида, тафтиш комиссияси аъзоси (аъзолари) тафтиш предметига оид материал ва ҳужжатларни зарурий даражада ўрганиб чиқмаганлиги (эътиборсизлиги ёки бошқа ҳолатлар) сабабли Компаниянинг тафтиш комиссияси хулосаларининг нотўғри (мукаммал бўлмаган) тузилиши;

- тафтиш комиссиясининг алоҳида аъзолари ёки бутун тафтиш комиссияси томонидан мазкур Низом талабларини бажарилмаслиги;

- Компания учун салбий (нохуш, обрўсизлантирадиган) оқибатлар олиб келган тафтиш комиссияси аъзоларининг бошқа ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги).

5.7 Тафтиш комиссияси аъзолари сони Компания Устави ва ушбу Низомда кўзда тутилган соннинг ярмидан камини ташкил этган ҳолларда тафтиш комиссиясининг янги таркибини сайлаш учун кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт.

5.8 Тафтиш комиссиясининг ваколатлари муддатидан олдин тугатилганда, янги сайланган тафтиш комиссияси аъзоларининг ваколатлари акциядорларнинг келгуси йилдаги умумий йиғилиши томонидан тафтиш комиссияси сайлангунча амал қилади.

5.9 Агар акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши тафтиш комиссиясининг бутун таркиби ёки унинг алоҳида аъзолари ваколатларини муддатидан олдин тугатган бўлиб, уларнинг сони сайланган таркибнинг ярмидан камини ташкил этса, ушбу қарорни қабул қилгандан сўнг уч иш кунидан ошмаган муддатларда кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақирилиши ҳақида қарор қабул қилиши зарур ва кун тартибига тафтиш комиссиясининг янги таркибини сайланиши масаласи қўйилган бўлиши керак.

6. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ ЙИҒИЛИШЛАРИ

6.1 Компания Тафтиш комиссияси барча масалаларни ўз йиғилишларида ҳал қилади. Тафтиш комиссияси йиғилишлари тасдиқланган режа асосида ҳар чоракда бир марта Компаниянинг молиявий-хўжалик фаолияти текширувидан олдин ва уларнинг хулосаларидан кейин ҳамда бошқа зарур бўлган пайтда ҳам ўтказилади.

6.2 Тафтиш комиссияси йиғилишида тафтиш комиссияси аъзоларнинг учдан икки қисмидан кам бўлган аъзолари қатнашса, тафтиш комиссиясининг йиғилиши ваколатли бўлган деб ҳисобланади. Тафтиш комиссиясининг барча йиғилишлари юзма-юз ўтказилади.

6.3 Тафтиш комиссиясининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Тафтиш комиссиясининг далолатнома ва хулосалари йиғилишда қатнашувчиларнинг оддий кўпчилик овози билан тасдиқланади. Овозлар сони тенг бўлган ҳолатда, тафтиш комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи кучга эгадир.

6.4 Тафтиш комиссияси қарорлари тафтиш комиссияси йиғилиш баённома билан расмийлаштирилади. Тафтиш комиссияси йиғилиш баённомасида:

- йиғилишни ўтказиш санаси, вақти ва жойи;
- йиғилишда иштирок этадиган тафтиш комиссия аъзолари рўйхати;
- қабул қилинган қарор;

- овоз бериш ва уларнинг натижалари (йиғилишда иштирок этган ҳар бир тафтиш комиссия аъзоларининг овоз бериш натижаларини кўрсатган ҳолда) кўрсатилади.

Баённомага тафтиш комиссияси хулосалари, ҳисоботлари ва бошқа материаллар илова қилинади.

6.5 Тафтиш комиссияси аъзолари комиссия қарорига норози бўлган ҳолатларида йиғилиш баённомасида ўзига хос фикрлари борасида қайд киритиш ва унинг мазмунини акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши диққатига етказишга ҳақлидирлар.

Тафтиш комиссияси раиси бўлмаганда, унинг вазифа ва ваколатларини йиғилишда қатнашаётган тафтиш комиссияси аъзоларининг кўпчилик овози билан унинг аъзоларидан бири бажаради.

6.6 Тафтиш комиссияси котиби:

- унинг йиғилиши баёнлаштирилишини ташкиллаштиради;
- тафтиш комиссияси далолатнома ва хулосаларини ўз олувчиларига етказди.

7. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИГА ТўЛАНДИГАН МУКОФОТ ҲАЖМИНИ БЕЛГИЛАШ

7.1 Тафтиш комиссияси аъзоларига улар бажарган ишлар ва ҳисоботлар (хулосалар)ни тақдим этганлари учун қонунчилик ва мазкур Низом билан белгиланган мукофотлар тўланади.

7.2 Тафтиш комиссияси ишининг натижалари ва ҳисоботлар (хулосалар)ни тақдим этилганлиги тафтиш комиссиясининг раиси ва аъзоларига тўланадиган мукофотлар ҳажмини аниқлаш учун асос бўлади.

7.3 Тафтиш комиссияси аъзоларига аъзолик даврида ўрнатилган тартибда мукофотлар тўлаб борилади.

Агар тафтиш комиссиясининг хулосалари ҳар чоракда кузатув кенгашига тақдим этилмаган бўлса, мукофот тўланмайди.

8. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1 Мазкур Низом Компания акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган пайтдан бошлаб кучга киради.

8.2 Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган тақдирда, қонун ҳужжатларига зид бўлган ушбу Низом қоидалари ўз кучини йўқотади ва белгиланган тартибда Низом қоидалари қонун ҳужжатларига мувофиқлаштирилгунга қадар, тўғридан-тўғри қонун ҳужжатлари қоидаларига амал қилинади. Мазкур Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш Акциядорларининг умумий йиғилиши қарорига асосан амалга оширилади.